Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 16 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 54 (6950)

Da'vat

Аввалига биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади.

Я. РАЙНИС.

Ibrat

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Хоразм вилоятидаги бир қатор ҳомий ташкилотлар уқувчилар учун йўлланмаларни бепул бердилар. Бу ойда яна 500 нафар хоразмлик ўғилқизлар мамлакатимизнинг марказий болалар оромгоҳларида текин ҳордиқ чиқаришади.

«ЗИЁКОР» ВИДЕОКАНАЛИ

Мана олтинчи йилки, Андижон вилоят халқ таълими бошқармасининг «Зиёкор» ҳафтаномаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу йил 14 июлдан бошлаб эса вилоят Ҳокимининг ёрдами билан вилоят телевидениесида «Зиёкор» видеоканали ташкил этилди. У ҳафтасига икки марта — душанба ва пайшанба кунлари ярим соатдан эфирга чиқиб, вилоят таълим тизимидаги ўзгаришлар, илғор тажрибалар, муаммолар ҳақида маълумот ва хабарлар бериб боради. Биринчи кўрсатувда Республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бу ибратли ишлар билан андижонликларни табриклаб, видеоканалга оқ йўл тилади.

БАДИИЙ ТАФАККУР КУТУБХОНАСИ

Voqea

Юртимиз зиёлилари кўпдан буён орзу қилган «Жаҳон адабиёти» журналининг илк сони нашрдан чиқди. Журнал таҳририятини ва ўқувчиларини маънавий ҳаётимиздаги катта воқеа бўлмиш ушбу нашр билан табриклар эканмиз, журнал етук шахс ва ватанпарвар авлодни тарбиялашда маорифимизга ҳам кўмаклашади, деб умид қиламиз. Зеро, маънавий ҳаётда бир соҳанинг тараққий этиши ва уйғониши маънавиятнинг барча соҳасига ҳам таъсир ўтказади. Инчинун, адабиёт ҳамиша инсон тафаккурини бойитишга, миллий юксалишга хизмат қилган.

Шу сабабки мустақил давлатимиздаги адабиётнинг ҳам, маорифнинг ҳам вазифаси, мақсади битта: билимдон, етук ва ватанпарвар авлодни, эртага буюк келажак қурадиган авлодни тарбиялашдир. Биз бугун ўз муштарийларимизни журнал ва унинг режалари билан таништириш мақсадида 1—сонида эълон қилинган журнал таҳририятининг бош мақоласини эълон қилишга қарор қилдик.

Шу баҳонада биз барча муштарийларимизни «Жаҳон адабиёти» журналига ҳам обуна бўлишга даъват этамиз. Индекс: 75213,75214.



(Давоми 3-бетда).



Беғубор ва бебош болаликнинг ўйин-кулгиси Тошкент вилоятининг баҳаво Кенсойида жойлашган 1-болалар санаторийсини бир зумга ҳам тарк этмайди. Зеро, бу ерда болаларнинг даволаниши ҳам, турли тўгараклар иши ва қизиқарли мусобақалар ўтказиш ҳам яхши ташкиллаштирилган.

Суратларда: санаторияда 23 йилдан буён ишлаб келаётган катта тарбиячи Алишер Болтахўжаев ҳамда ҳамшира Мавлуда Ҳайдаровалар доимгидек болалар билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

JUMLADA JAHON

⊛ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ўткир Толипович Комилов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинланди.**

⊛ **Ўзбекистон, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Япония мутахассислари ҳамкорликда бунёд этган Кўкдумалоқ компрессор станциясининг ишга туширилиши муносабати билан унинг қурилиш қатнашчиларига мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов самимий табрик хати йўллади.**

⊛ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХҲТ Бош котиби Жанкарло Арагонани қабул қилди.**

⊛ **Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий марказида бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон ҳукумати билан БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ўртасида «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизими (1-босқич)» деб номланган Дастур имзоланди.**

⊛ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуининг навбатдаги йиғилишида ижтимоий соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ярим йиллик якунлари ҳамда келажак истиқболлари муҳокама этилди.**

⊛ **АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хонимнинг шу йилнинг кузида Ўзбекистон ва Қозоғистонга ташриф буюриши кутилмоқда.**

⊛ **Россия фуқароларига шу йилнинг октябридан бошлаб тарқатилажак паспортлар илгаригидек 16 ёшдан эмас 14 ёшдан берилажаги билан аввалгиларидан фарқланадиган бўлди.**

⊛ **Ҳиндистонда мамлакат Президентини сайлаш учун овоз берилгач, ҳозирги Президент Шанкар Даял Шарма ўрнига икки номзод — 77 ёшли Кочери Рамот Нарянан ҳамда 65 ёшли Тирунелай Нараянайер Сешан даъвогарлик қилмоқда.**

ЖАДИДЛАР ТЎЙЛАР ҲАҚИДА

XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган тараққийпарварлик ҳаракати намоёндалари Туркистон халқлари ҳаётининг деярли барча соҳаларида улкан ислоҳотлар ўтказиш заруриятини талаб этиб чиққан эдилар.

Хусусан, Фарғона жадидларининг миллий тўйлар ва улар ислоҳоти ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир.

Миллий урф-одатлар маълум бир маънода миллатнинг тараққиёти учун ё ижобий, ё салбий таъсир этиб туради, албатта.

Фарғона жадидлари газетаси бўлмиш «Садои Фарғона»ни олиб варақлар эканмиз, бунга миллат фидойиларининг бундан 70-80 йиллар муқаддам ўзбек тўйлари хусусидаги танқидий мақолаларига кўзимиз тушди.

«Садои Фарғона»нинг 1914 йилги 11-сонида «Ҳатна тўйи» мақоласи берилган. Муаллиф матбуотнинг вазифаси турмушдаги нуқсон ва қусурларини халқ кўзига кўрсатмоқ, ҳақиқатни майдонга чиқармоқ, дейди ва мақолада ўз даври тўйларидан шикоят қилади.

Айниқса, хатна тўйларидаги ортиқча сарфу харажатлардан куюниб ёзади. Муаллиф «...тўйларимиз хайр-эҳсон ва савоблар умидида ўтказилади, лекин хайр-саховат аввалам-бор муҳтожларга кўрсатилиши керак», дейди.

Мақолада баъзи кишиларнинг ўз моддий имкониятларини ҳисобга олмай, манманликка берилиб тўй ўтказиб, сўнгра қарзга ботиб, ночор аҳволга тушиб қолганликлари, томоша ва улоқ ўйинлари учун қанчалаб маблағ сарфлаб, қанча кишиларни ишдан қўяётганликлари ҳақида ҳам салбий фикрлар берилади: «Агар шул хатна тўйларимиздан мақсад: охиротда фойдаси тегадурғон савоблар бўладурҳон бўлса: бу тариқа хайр-эҳсон қилмоқни охиротга фойдаси борми ва савоблик бўлурму?»

Газетанинг 1914 йилги 98-сонида яна тўй ҳақида, фикрлар билдирилади. Деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб олгач, дабдабалар билан бошланадиган тўй маросимлари, улоқ ўйинлари, исрофгарчиликлар, тўй қилувчиларнинг чор-ночор ҳолда бўлса ҳам томошалар бериши қаттиқ танқид остига олинади.

Бу мақолалар билан танишар эканмиз, XX аср бошларида Туркистон аҳолиси ўртасида тўй ва маросимларни дабдабабозлик билан ўтказиш расм бўлганлиги, кишилар шу каби ортиқча ташвишларга ўралашиб, илм-маърифатга эътибор бермаётганликлари, ва халқини бу балодан қутқазишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жадидларнинг ҳолатлари кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Жадидлар фақат танқид билан чекланмай, кишиларни бўлаётган ижобий, хайрлик ишлардан ўрнак олишга ҳам чақирганлар.

Масалан, наманганлик Мулла Исҳоқжонбой Мирсолиҳбой ўғли фарзандларининг ҳатна тўйига ажратган маблағининг катта қисмини мактаб қурилишига сарфлагани ҳақида «Садои Фарғона» газетасининг 6-сонида хабар берилган. Шу билан бирга Наманганнинг зиёли, мўътабар бойларидан Мирза Ҳамдам Оғали куфнинг оталари таъмир қилдирган масжиддаги мактабни янги услубда қайта

(Давоми 3-бетда).

ЎЗ МАКТАБЛАРИДА ДАМ ОЛИШАЯПТИ

Қарши туманидаги 23-ўрта мактабда «Маърифат» номли болалар ёзги оромгоҳи ташкил этилган. «Маърифат»да айни кунда мактабнинг 90 нафар ўқувчилари кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришмоқда. Мактаб ўқувчиларининг 12 кунлик кундузги дам олишларига мўлжалланган ушбу оромгоҳда керакли шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчилар кун давомида 3 маҳал овқатланадилар, тарбиячи ва муаллимлари раҳбарлигида турли-туман спорт ўйинлари билан шуғулланадилар, тўгарак машғулотларида қатнашадилар, дилдан яйраб рақс тушадилар, қўшиқ айтадилар.

«Маърифат»да болаларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришларида Норбой Холов, Тўла Қудратов, Шаҳри Нуралиев, Шоҳиста Арабова каби ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ҳамда «кўли ширин» ошпаз Нормурод Жумановларнинг хизматлари катта бўлаётир.

Абдували ОБИДДИНОВ.
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

МИЛЛИЙ ДАСТУРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

2-бет.

Xorijda ta'lim

Болалар боғчаси кичкинтойлар яйраб-қувнайдиган жой. Турфа ўйинчоқлар, машғулотлар, суйиб-эркалашлар боланинг камоли учун. Кўпчилик орасида ўзини тута билишга, нутқини ўстиришга, мусиқанинг сеҳрли ва жозибали олами билан танишишга, математика, тасвирий санъат дунёсидан хабардор бўлишга бола боғчада имкон топади.

Мактабгача тарбия муассасалари фарзандларимизга ҳаёт, санъат, одоб ҳақидаги дастлабки тушунчаларни сингдирилиши аслида осон жараён эмас. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 8464 та болалар боғчаси фаолият кўрсатяпти. 24,5 фоиз бола мактабгача тарбия муассасаларига жалб қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларнинг етишмаслиги сабабли аксарият боғчалар ёпилиб қолди. Бу эса боғча — мактаб тизимида номутаносибликни келтириб чиқармоқда. Табиийки, уй шароитидан мактабга қадам қўйган бола билан боғча кўрган боланинг орасида катта тафовут бор.

Ўзимиздаги боғчалар ҳақида озмунча бўлса-да, тасаввур ва кузатишга эгамиз. Хўш, хориждаги боғчалар ҳақида нима биламиз? Уларнинг ибратли жиҳатлари борми?

Республика халқ таълими вазирлигининг мактабгача тарбия муассасалари бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова бизга хорижий давлатлардан бири — Германия болалар боғчалари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

ГЕРМАНИЯ БОҒЧАЛАРИ

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

— Германия — ривожланган давлат. Унда 16 та ер бор. Ер дегани биздаги вилоятлар сингари жой. У ердаги боғчаларда болалар ярим кунлик тартиб режасига урганишган. Ҳар бир гуруҳда 20 тадан бурчак бор. Бурчаклар боланинг ҳар жиҳатдан ривожланишига йўналтирилган. Тасвирий санъат, математика, экология, иқтисод, мусиқа ва ҳоказо. Бола ўз қизиқиш—иродасига қараб хоҳлаган бурчагига киради, шуғулланади. Биздаги сингари мажбурий машғулотлар йўқ. Бола ҳам эркин, уни ўз ҳолига қўйишади.

Бизда она ишга чиқсагина, фарзандини боғчага жойлаштириши керак. Уларда эса аксинча, она уйда ўтирса ҳам, боласини мутахассисга топширади. Ота-оналар боғчага пул тўлашмайди, яъни биздаги сингари овқат ташкил қилинмаган. Бола қорни очиққанда ейиши учун ул—булни халтачага солиб, уйидан бериб юборишади. Боғча тарбияланувчининг ҳар томондан ривожланишини таъминлайди холос. Лекин боғчада ҳар хил шарбатлар қўйиб қўйилар экан. Шарбатлар бола организмига асқотадиган зарурий моддаларга бой.

Германиядаги боғчалар қандай қурилган? Экологик жиҳатдан инсон саломатлигига таъсир этади. Айниқса, боғча ёшидаги болаларнинг танаси ташқи таъсирни ўзларига жуда тез олади.

Орзуга айб йўқ, мен боғчаларимизнинг ёғочдан тикланишини жуда-жуда истардим. Йиллар ўтиб, юртимиз ривожланган давлатлар қаторига қўшилса, аминманки, биздаги боғчалар ҳам хорижнинг сингари табиий материаллардан қурилади.

(Давоми 2-бетда).

ХАБАРЛАРИ

ЎҚИТУВЧИЛАР ДИКТАНТ ЁЗИШДИ

Шовот туманидаги 42-ўрта мактабда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосини ўқитувчиларга ўргатишнинг ажойиб усулидан фойдаландилар. Мактаб директори Саъдулла Абдуллаевнинг ташаббуси билан билим масканидаги 130 нафар ўқитувчининг ҳаммаси янги ўзбек алифбосини ўрганишга астойдил бел боғлашди. Натижани синаб кўриш учун ўқитувчилардан беш-олти марта назорат диктанти олинди. «4» ва «5» баҳо олгунга қадар ўқитувчилар диктант ёзишдан эринишмади. Хуллас, натижалар чакки эмас. Мактабдаги безатиш ишларининг барчаси эса лотин ёзуви асосидаги янги имлога кўчирилди.

Акмал АБДУРАҲМОНОВ.

ЁШ ТАБИАТШУНОСЛАР

Яқинда Марҳамат туман «Машъал» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Ёш табиатшунослар» масканида услубий кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда вилоят шаҳар ва туманларидаги ёш табиатшунослар маскани директорлари ва услубчилари иштирок этишди.

Йиғилишда мазкур маскан директори Ш. Ғаффоров «Бозор иқтисодиёти шароитида тўгараклардаги ишларнинг аҳволи» ҳақида маъруза қилди.

Кенгаш охирида Андижон вилояти ёш табиатшунослар маскани директори М. Мадихонов якунловчи нутқ сўзлаб ушбу масканда ташкил этилган экологик ҳамда таълим-тарбия ишларидан мамнун бўлганини ва бу масканга туман халқ таълими бўлими раҳбарлари амалий ёрдам бераётганидан миннатдор эканини алоҳида таъкидлади.

О. САЙФУДДИНОВ.

ЎТМИШГА ҚАЙТИБ...

Қўқон шаҳар педагогика билим юртида халқимиз тарихининг ўзига хос меросларига оид турли хил мавзуларда тадбирлар ўтказиб туриш одат тусига кирган. Ана шундай қизиқарли кечалардан яна бири яқинда бўлиб ўтган «Адабий меросимизни ўрганишнинг аҳамияти» мавзусидаги савол-жавоб кечаси бўлди. 300 дан ортиқ талабалар иштирок этган бу кечада шаҳар адабиёт музейи раҳбари Султонхон Сотволдиев, шаҳар маърифат жамоатчилик марказининг раҳбари Алишер Собиров, педагогика билим юртининг директори Саломат Абдуллаева иштирок этиб талабаларнинг шу мавзуга оид саволларига жавоб бердилар. Билим юрти ёш ҳаваскорларининг бадиий чиқишлари эса кечага файз киритди.

Мухтасархон КАРИМОВА.

ЎҚУВЧИЛАР «ДИССЕРТАЦИЯ» ЁҚЛАШДИ

Республикамизда — гимназия, лицей, коллеж, магистратура каби янги муассасалар пайдо бўлиб, узлуксиз таълим тизими шакллана бошлаяпти. Маълум вақт ичида кўп поғонали таълим тизимига ўтиш, давлат стандартларини яратиш, тест синовларидан ва янги прогрессив ўқув технологияларидан фойдаланиш тажрибаси методологик база яратадиган миллий дастур ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирди. Миллий дастур кенг қамровли ҳамда узвий боғланишни, тарбия жараёнини ва болаларнинг мактаб ёшигача бўлган давридан бошлаб то унинг мутахассис бўлгунчалик жараённи ўз ичига олади. Бундай муҳим вазифаларни муваффақиятли бажаришда юқори малакали кадрлар, чет тилларни, компьютер технологиясини чуқур эгаллаган мутахассисларнинг фаолияти асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бироқ афсуски, ҳозирча олий ўқув юртларида кадрларни тайёрлаш даражаси давр талабларига тўла жавоб бера олмаяпти. Мазкур камчиликларни батараф этиш миллий дастур ўз олдига қўйган долзарб вазифадир.

Узлуксиз таълим халқимизнинг миллий таълим бўйича эришган тарихий илдизини тиклаш ва уни ривожлантириш билан бирга жаҳоннинг илғор цивилизацияси ютуқларини ҳам ўзида акс эттиради. Миллий дастур яратишда илғор мамлакатларнинг, ота-боболаримизнинг йўл-йўриқларидан, миллий олимларимизнинг кўп йиллик тажрибаларидан, олий ўқув юртларидаги бой тажрибалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Тошкент Давлат Университетида иқтидорли талабаларни саралаш механизмидан, Наманган давлат университетида иқтидорли талабаларнинг экстернат усулида ўқитиш тажрибасидан ва Фарғона давлат университетидаги «Иқтидорли талабалар клуби»нинг тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

Миллий дастурни амалга ошириш икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи этап 2000 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, унда таълимда янгича инфраструктура яратиш, винчестерлар, лазерли дисклардан кенг фойдаланиш, яъни техника воситалари таъминоти амалга оширилади. Иккинчи босқичда биринчисидаги ишлар мустаҳкамланиши, илмий потенциалдан фойдаланиши, жаҳон миқёсида таълим тизимида яратилган глобал тармоқларга чиқиш, дистанцион таълимни жорий этиш назарда тутилган.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишида кўзда тутилган асосий мақсад узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини ишлаб чиқишга қаратилган.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлида аввало иқтидорли ёшларга умид боғламоқда. Зеро, уларнинг бири бўлди. «Умид» жамғармаси иқтидорли ёшларни чет элларда ўқиб билим олишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Танлов асосида 200 нафардан зиёд ёшлар саралаб олиниб, 1997-98 ўқув йилида АҚШ, Англия, Франция, Германия, Японияннинг энг йирик олий ўқув юртларида машғулотларни бошлайди. Ёшларни бакалаврлик, магистратура, шунингдек, мутахассисликлар юзасидан дастурлар бўйича тайёрлаш квоталари белгиланди.

Хўш, олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган янги турдаги ўқув муассасалари ҳақида нималар дейиш мумкин?

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамаси 1995 йилнинг 31 май куни «Минтақавий олий ўқув юртларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унга мувофиқ Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, Алоқа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек, «Ўзбекбирлашув» акционерлик жамиятлари марказий уюшмаси билан ҳамкорликда 44 та лицей ва 9 та гимназия ташкил қилинди. Бу ўқув муассасалари учун иқтидорли ўқувчиларга айрим фанларни чуқур ўргатиш бош вазифа қилиб қўйилди. Улар ўзига хос ўқув режа ва дастурлари асосида иш юритадилар. Бундан асосий мақсад, узлуксиз таълимни ташкил қилишга олий ўқув юртлари ўқитувчиларини кенгроқ жалб қилиш, шу орқали ўқувчиларнинг билимга қизиқишларини ёшлигиданоқ шакллантиришдир.

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил июль ойида мазкур ишларни такомиллаштириш мақсадида ҳар бир олий ўқув юрти қошида лицей, гимназия ва бизнес мактаби ташкил қилиш ҳақида махсус қарор қабул қилди.

Шунингдек, янги турдаги таълим муассасалари директорлари кенгашидан иборат ижтимоий ўз-ўзини бошқариш идораларини туздилар. Бу кенгаш жойлардаги янги турдаги таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш, уларнинг моддий-техник ҳамда услубий таъминотини яхшилаш. Ҳар бир ўқув муассасаси ўзига мустақил бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ўқув режасига эга. Ҳаммасининг банкда ўз ҳисоб рақами бор. Бу нарса уларга эркин ҳолда, ташаббус кўрсатиб ишлаш учун барча шароитларни яратиб беради. Ўқув муассасаларининг моддий-техника базаларининг аксарияти замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланганлар. Деярли ҳаммаси замонавий компьютерларга эга. Бу нарса ўқувчиларнинг пухта ва чуқур билим олишлари учун имкон яратади.

Янги турдаги ўқув муассасаларининг энг илғор ва намунавийлари, уларда таълим-тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гап кетар экан, республика Нафис санъат лицейи, Бешариқ туманидаги Ибн Сино номли, Урганчдаги Огаҳий номли лицей, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги лицей, Марҳамат туманидаги 3-лицейларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Айрим янги турдаги таълим муассасаларида «Кичик академия»лар, фан ва техника соҳасида «Янги ишланмалар» яратиш, ўзларининг «Фан номзодлари», «Фан докторлари»ни тайёрлаш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги лицей ўқувчилари ўқув йили охирида инглиз, рус ва она тилларида «диссертациялар» ёқлашди. Мазкур лицей ўқувчилари ёқлаган «диссертация»ларга Фарғона, Наманган, Андижон ва Тошкент шаҳарларидаги етакчи олий ўқув юртларининг олимлари юқори баҳо бердилар.

Замон, давр келажак янги турдаги ўқув муассасаларининки эканлигини аниқ равшан кўрсатиб турибди. Гимназия ва лицейлар, коллеж ва магистратуралар, 12 йиллик ҳунар мактаблари мустақил Ўзбекистонга муносиб кадрлар етиштириб беришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

О. САҲОБОВ,
профессор.

НАСА НАЗАРИ

АҚШ космик тадқиқотлар агентлиги НАСАнинг «Марс Пайтфандер» автоматик станцияси «қизил сайёрага» етиб борди ҳамда махсус машина минутига 1 сантиметр тезлик билан сайёра тупроғида юра кетди. Ҳозир Интернет компьютер системаси орқали 35 миллионга яқин одамлар Марснинг фотосуратини кўриб турибди. Муваффақиятли амалга ошаётган бу парвоз сайёрада ҳаёт бормикан, деган фаразни ойдинлаштириши керак.

130 ТАСИГА ҚАРШИ

АҚШнинг Калифорния университетининг физиологи Йозеф Кревелло костюм ёки қўйлакнинг кўкрак чўнтагига тақиладиган юлдузчага ўхшаш индикатор ишлаб чиқарди. У ҳаводаги 130 дан ортиқ заҳарли моддалар миқдорини ўлчайди. Агар ҳавода бирор модда миқдори меъёридан ошиб кетса, юлдузча-индикатор ўз рангини ўзгартиради.

ТЕМИР БЎРОНЛАРИ

20-аср ўрталарида космик даврнинг бошланиши билан изланишларга яраша муаммолар туғила бошлади. Германиянинг Дармштадт шаҳрида бўлиб ўтган Европа космик агентлиги конгресининг мутахассислари ана шундай масалалардан бирини — Ер атрофида учиб юрган ракета ва йўлдош булакларини қайта ишлашни муҳокама қилдилар. Конгрессда айтилишича, ҳозир Ер орбитасида 8,5 минг «темир парчалари» учиб юрибди. Уларнинг 42 фоизи ракета, 22 фоизи йўлдош бўлаклари, 40 фоизи эса темир-терсаклардан иборат.

ГЕРМАНИЯ БОҒЧАЛАРИ

(Боши 1-бетда).

«МОНТЕССОРЕ» МЕТОДИ

Германия боғчаларига хос педагогик услуб мавжуд. — Жуда ажойиб, ҳайратомуз услуб. У «Монтессоре» методи деб аталади. Таъкидлашларича, шу мамлакатда 1870-1952 йилларда яшаб ўтган врач-психиатр Монтессоре мактабгача ёшдаги болаларга мустақиллик бериш ғоясини илгари сурган. Ҳақиқатан ҳам кичик ёшдаги ўғил-қизлар мустақил ўйнашга, бажаришга мойил бўлишади. Уларнинг хатти-ҳаракатларини таъқиқлашимиз педагогикага зид. Шуни била туриб, биздаги боғчаларда болани тарбиялаш жараёни қандайдир «рамка»га солиб қўйилганга ўхшайди. Унинг ётиши, туриши, юқорида таъкидлаганимдек, шўхлик қилишларини анча чеклаймиз. Голландиянинг Маастрих шаҳрида Монтессоре мактаби вужудга келган эди. Эндиликда Германиядаги ҳамма боғчалар ана шу методни бажонидил қабул қилишган. Унинг бош йўналиши шундай: «Мен ўзим қилишим, билишим ва бажаришим керак!» Айни пайтда ўйин, шуғулланиш, бирбири билан чиқишиш, ўртоқ бўлиш ғояси ҳар бир боланинг онгига сингдирилади.

Тўғри, биздаги боғчаларда ҳам боланинг мустақиллиги бор. Лекин менинг назаримда, бу қандайдир тор доирага олингандек туюлади. Боланинг эркинлигини, ҳаракатларини бўғамиз. Ана шунинг оқибатида улар боғчани ёмон кўриб қолишади. Бизда назария кучлироқ, уларда эса амалиёт. Ваҳоланки, шу тарздаги машғулотларни бизда ҳам қилиш мумкин. Биз нон тайёрлаш технологияси ҳақида ҳикоя килиб берсак, улар буни амалда кўрсатишади. Ўзим уларнинг шундай машғулотига гувоҳ бўлдим. Тарбиячи тоғорага сув солиб, хамир қориб, боланинг ун ва нон ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирди. Бизда ҳам бундай машғулот олиб борадиган тарбиячилар йўқ эмас, бор. Машғулот жараёнида бола билан саволжавоб унинг нутқини ўстиради.

Умуман, Германия боғчалари менга жуда маъқул тушди. Саранжом-саришталик, ораслик, тартиб-интизом, эркинлик, бари-бари омухта бўлиб, бу боғчаларнинг қадрини ошириб тургандек туюлди.

КОЛЛЕЖ ТАРБИЯЧИ ТАЙЁРЛАЙДИ

Мактабгача тарбия муассасалари учун мутахассис тайёрлашга бу мамлакатда алоҳида эътибор берилади. Махсус коллеж мавжуд. Қизларни бу ўқув юртига қабул қилишда руҳий жиҳатига қаралади. Яъни бўлғуси тарбиячи ўткир психолог бўлиши керак. У бола руҳиятида кечадиган ўзгариш ва кечинмаларни билмас экан, бир кун ҳам боғчада ишлай олмайди.

Коллежда болалар боғчаларида ишлаш тамойиллари, услублари, муҳити ҳаммаҳаммаси ҳақида кўрсатма берилади. Биринчи курс талабаси коллежда ҳафтасига фақат бир кун ўқийди, иккинчи курсдагилар эса икки кун. Қолган кунлари эса у боғчада бўлади, иш ўрганади. Агар учинчи курсга қадар у болалар билан ишлай олишга ўзида тўлиқ ишонч ҳосил қилса, коллежда ўқишини давом эттиради. Агар боғча муҳитига қўника олмаса, у коллежни тарк этишга мажбур.

Коллежда боғчаларнинг муаллифлик дастури ва стандарт таълим ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилади. Дарвоқе, бу ердаги боғчаларнинг ҳар бири ўз муаллифлик дастурига эга. Ҳамма боғча учун хос ва мос стандарт таълим йўлга қўйилган. Бу, юқорида таъкидлаганимиздек, Монтессоре методи билан узвий боғлиқ.

Биз коллеж директори жаноб Герберт Лангвальд билан танишдик. У бизга коллежнинг вазифаси, мақсади ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди. Биз билан ҳамкорлик ўрнатишга, узларининг иш методларини ўргатишга ваъда берди.

***

Оламда гап кўп, дейдилар. Дунёнинг турли қитъаларида бир-бирига ўхшамаган ва андоза олмаган ҳаёт кечади. Узга мамлакатдаги одамлар, уларнинг удумлари иккинчи бир юртдагилар учун тамоман қизиқ ва сирли бўлиб туюлади. Эҳтимол, юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар ҳам бизнинг қайсидир жиҳатларимизга ҳавас қилишар. Узлари билан солиштириб бизнинг устун жиҳатларимизни илғашади. Ҳамида опанинг ҳикоя қилиб берганлари эса чет эл боғчасининг айрим ибратли томонлари бор эканлигини кўрсатади. Айниқса, боғча учун мутахассис тайёрлашни германияликлардан ўрганишимиз керак.

Умуман олганда, мактабгача тарбия муассасалари учун давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағ ва ғамхўрлик кам эмас. Аъзолик бадали учун жорий қилинган 288 сўм аксарият оилалар учун қиммат туюлса-да, улар бир бола учун бир ойда 1700-1800 сўмлик сарф-харажат кетишини билишмайди. Булар ички харажатлар билан боғлиқ. Чет эллик биродарларимиз бизнинг боғчаларимизда жорий қилинган овқат, уйин ва ётоқ учун алоҳида хоналарнинг мавжудлигидан ҳайрон қолишар экан. Демак, бизнинг ҳам улардан устун жиҳатларимиз кўп.

Таълим-тарбия муассасалари учун истиқболга мўлжалланган миллий дастур тузилмоқда. Етакчи олимлар, руҳшунослар, педагоглар, амалиётчилар иштирокида тузилаётган бу дастур, уйлаймизки, мактабгача тарбия муассасалари ҳаётига ҳам ижобий узгаришлар олиб киради.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири.

Yangi kitoblar

«ИҚТИСОД АЛИФБОСИ»

Ўқувчиларни ёшлигидан бошлабоқ иқтисод тушунчалари билан таништириш бугунги таълим олдида турган муҳим вазифалардандир. Бунинг учун, албатта, уларга ўзига мос қўлланма ва дарсликлар зарур. Зуҳра Валиева ҳамда Ёрқин Муҳибовлар муаллифлигида умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун яратилган «Иқтисод алифбоси» ўқув қўлланмаси ана шуни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан кўп минг нусхада чоп этилди.

Қўлланма ўқувчиларнинг ёши, қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда расм-безакли этиб, содда матнлар, ҳаётий ҳикоятлар асосида яратилган. Дастлаб болалар меҳнат, оила, ишлаб чиқариш ва савдо билан таништирилади. Сўнг уларга бозор, нарх-наво, иқтисодий муносабатлар, бошқарув масалалари ҳақида тушунчалар берилади.

«Иқтисод алифбоси» бошланғич синф ўқитувчиларига муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Китоб лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида чоп этилган. Қўлланманинг илова қисмида барча ҳарфлар уларга тегишли сўзлар билан боғлиқ расмлар ва шеърий матнлар ҳам берилганки, бундан 1-синф ўқувчиларига алифбо ўргатишда, кичик суҳбатлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Oliy ta'lim

МИЛЛИЙ ДАСТУРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Етук кадрлар тайёрлаш бугунги кунимизнинг энг муҳим вазифаларидандир. Хўш, бу борадаги янгиликларимиз нималардан иборат, қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда? Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори ўринбосари Нодир Тўйчиев билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Нодир Жамолович, энг аввало институтнинг вазифалари ҳақида қисқача гапириб берсангиз...

— Институтимиз Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг республика миқёсидаги илмий-методик маркази ҳисобланиб, олий ва ўрта махсус таълим муаммолари масалаларига оид илмий тадқиқотларни амалга оширади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари томонидан бажариладиган ўқув-услубий ишларни мувофиқлаштиради. Республика миқёсидаги олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги илмий билимлар ва илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ҳамда кенг қўламдаги тарғибни такомиллаштириш, янги ахборот технологиясини, таълим ва тарбия асосларини таълимнинг барча босқичларига кенг жорий этиш, назарий услубий ҳамда таълимнинг мазкур поғонасини илмий, замонавий молиявий-иқтисодий асосларини яратиш ҳам институтимиз зиммасидаги юмушлардан ҳисобланади.

— Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида сўнгги йилларда рўй берган ўзгаришларнинг қайсиларини аҳамиятга молик деб ҳисоблайсиз?

— Республикамиз мустақил бўлганидан сўнг таълим тизимимиз ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш асосида ислоҳ қилина бошланди. Кўп поғонали таълим тизими бўйича мактаб, ўрта махсус, бакалавр, магистр, аспирантура, докторантура, малака ошириш, қайта тайёрлашда ягона тизим вужудга кела бошлади. Бу тизимга янгича методика, меъёрий, ҳуқуқий ва ижтимоий иқтисодий база, шунингдек, давлат стандартлари, мутахассислик характеристикалари яратила бошланди. Янги технология, педагогик тест-синовлар усуллари, рейтинг тизими жорий қилинди. Янги иқтисодий шароитдаги ўқув юртларида аҳвол, ўқитувчиларнинг таълимга муносабати, талабаларнинг билимга интилишлари ўрганилди. «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳам ана шу ижобий жараёнларнинг давоми сифатида шу билан биргаликда энг муҳими сифатида қабул қилмоғимиз лозим. Миллий дастур таълимдаги ислоҳотни маълум илмий асосда олиб бориш, ягона кўп поғонали таълим тизими асосида юксак маданиятли, халқпарвар, ватанпарвар, ишбилармон ва юқори савияли рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдек эзгу мақсадга асосланади. Бу дастурни яратишда деярли барча ўқув юртлари, вазирликлар ва бошқа ташкилотлар ўз таклифлари билан қатнашмоқдалар. Дарҳақиқат, миллий дастурдан умид ниҳоятда катта. Ана шундай дастур яратилиши йўлида ОЎММММИ мутахассислари республика олимлари ва мутахассислари масъул вазифани бажариб келишаяпти. Институтимиз бу миллий дастурни амалга оширилиши, самарадорлиги юқори бўлиши учун ундан кўп тармоқли дастурларни яратишни режалаштирмоқда. Тармоқли дастур, энг долзарб ва салмоқли муаммоларни қамраб олади, яъни мутахассисларга талаб истиқболи мониторинги, иқтидорли ёшлар, ходимларни социал муҳофазаси, мутахассислар сифати ва рақобатбардошлиги, ахборотлаштириш дастурнинг ижтимоий-иқтисодий молиявий асослари яратилиш жараёнини ўз ичига олади.

— Айни пайтда мамлакатимизда 100 га яқин мутахассисликлар бўйича олий маълумот берилади. Шу мутахассисликларнинг ҳаммасига ҳам эҳтиёж борми? Умуман, мутахассисликлар қандай талаб асосида тайёрланади?

— Ҳозир янги социал иқтисодий шароитда мутахассисликларнинг қайсиси қандай талабга эга, ҳаммасига эҳтиёж борми, деган масаланинг аниқ ечими йўқ, деб ўйлайман. Чунки мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан ҳамма соҳа: саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар янгича тамойилда қайта шакллантирилаяпти. Чунки эҳтиёжларимиз даражасидан ортиғини экспорт қиладиган давр келди. Бундай шароитда мутахассислар сони, уларга бўлган эҳтиёж, талаб ва тайёрлаш сифатини батамом қайта қуриб чиқишга тўғри келади.

Ҳа, албатта, баъзи соҳаларда, баъзи мутахассисларга талаб бироз камайди ва шу билан биргаликда қатор янги мутахассисликларга (макро ва микро иқтисодиёти, менежмент, маркетинг, тил билувчилар, фермерлар, ишбилармонлар, бошқарувчилар) талаб кучайди.

Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижани бериши қийин. Бунинг учун замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизни боши бўлмоғи даркор.

Мутахассислар ва мутахассисларга эҳтиёжни аниқроқ билиш, уларга талабни ўзгаришини ойдинлаштириш мақсадида институтимизда анчагина ишлар қилинмоқда, мутахассис мониторинги яратилмоқда. Бу мониторинг халқ хўжалигининг макро иқтисодий кўрсаткичларини, республикамизнинг ривожланиш одимларини, тармоқни, хўжаликларнинг аҳволи ва ижтимоий тараққиётини таҳлил қилиш меҳнат бозоридаги аҳвол ва бошқа бир қатор мезонлар, яъни давлат бюджети, нархни ўзгариш қиймати, таълим тизимига ажратилаётган ва нодавлат жамғарма динамикалари асосида ишлайди ва ҳар вақт бирлиги ичидаги ўзгаришларни инобатга олади. Ана шу яратилаётган тизим бозор шароитида мутахассисларга талаб ва эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради.

— Мамлакатимиз келажаги қайсидир маънода иқтидорли ёшлар қўлида. Уларнинг олий маълумотли мутахассис бўлиб етишишлари учун республикамизда қандай ишлар қилинмоқда?

— Ҳақиқатдан ҳам давлатнинг ривожланишида иқтидорли инсонларнинг ўрни беқиёс. Ходимлар тайёрлаш миллий дастурида ва унга қилинаётган иловаларда иқтидорли ёшларга катта эътибор берилган. Институт шу дастурга мослаштириб иқтидорли талабаларни мактаб ёшидан коллеж, лицей даврида ва ниҳоят бакалавриятни биринчи, иккинчи курсларида қидириш, топиш ва улар билан қўшимча ишлашга бағишланган йўриқнома тайёрлади. Бунда иқтидорли ёшларни танлаш мезонларини аниқлаш, алоҳида гуруҳлар ташкил қилиб шахсий тайёрланган дастур асосида замон талабига мос дарслар иқтисод, ҳуқуқ, чет тили, компьютер ва янги технология каби умумий ва махсус мутахассислигига мос дарслар киритилиши тавсия этилган.

Иқтидорли ёшлар ва экстернатура асосида серқиррали замон талабига мос ёшлар тайёрлаш ТошШИ, ТДТУ, ТДЭУ, НамДУ, ФерДУ каби кўп олий ўқув юртларида яхши йўлга қўйилиб келиняпти.

— Бугунги кунда олий таълим соҳасида ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат?

— Бугунги кунда олий таълим ёки умуман ягона кўппоғонали тизимдаги ечимини кутаётган муаммолар биз юқорида келтирган миллий дастурни керакли даражага етказиш ва жорий этишда қатнашиш ва ОЎММММИнинг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланган.

Муаммолар институтининг асосий тадқиқот йўналишлари қўйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлардаги олий таълим тизимини мунтазам суратда таҳлил қилиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълимни такомиллаштириш борасидаги давлат сиёсатининг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

— халқаро стандартлар асосида кўп босқичли таълим тизими замонавий моделини ишлаб чиқиш;

— таълим тизимига тегишли янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва педагогик тестларини кенг жорий этиш;

— жамиятни ҳуқуқий ва демократик қайта қуриш тамойиллари асосида талаба ёшларда илғор дунёқарашни шакллантириш тадбирларини белгилаш;

— талабалар билимини узлуксиз равишда баҳолашда, тест синовларини ўқув тизимига жорий қилишда мақсадли ишларни ташкил этиш;

— ўқув юртларини фаолиятига компьютерлаштирилган ўқув ва ўргатувчи дастурларни яратиш ва жорий қилиш;

— мутахассисларга эҳтиёжни кўрсатувчи мониторинг яратиш ва истиқболли дастурлар тузиш;

— малака ошириш институтларининг тузилишини, фаолиятини ва турли соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш, янги мутахассислик беришни такомиллаштириш;

— бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги олий ва ўрта махсус таълим тизими фаолиятининг молиявий иқтисодий муаммоларини ечиш, ўқитувчиларни фаолиятини рағбатлантириш;

— ўқув юртларининг моддий базасини мукаммаллаштиришнинг оптимал имкониятларини аниқлаш;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг дарслик ва ўқув қўлланмаларига бўлган эҳтиёжини илмий асосда ўрганиш, уларни тайёрлаш ва чоп этиш, янги меъёрий ҳужжатлар ва давлат тилида илмий ўқув-услубий адабиётлар яратиш кабилардир.

Институтнинг илмий услубий фаолияти республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги режаси, Республика фантехника Давлат қўмитаси дастурлари, шунингдек, шартномалар асосида олиб боради.

Суҳбатдош
Зубайда УСМОНОВА.

Наманган шаҳридаги Б. Машраб номли 30-мактаб намунали зиё масканларидан бири. Мазкур билим даргоҳида масъулиятли вазифани шараф ила адо этаётган фидойилар талайгина. Тажрибали ўқитувчи Манзура Раҳимова ана шундай муаллима. У 17 йилдан буён ўғил-қизларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераётир. У 10-»А» синф ўқувчиларига раҳбарлик қилади. Синфда 27 ўқувчи бўлса, ҳар бирининг феъл-атворига мос муомалада бўлади. Шу боис бўлса керак, М. Раҳимова ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасида ҳурмат қозонган. Унинг илм толиблари вилоят миқёсида ўтказилган «Машраб-хонлик байрами»да фаол иштирок этдилар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

«Қаловини топсанг қор ҳам ёнади» дейишади. Наманган педагогика билим юрти жамоаси ана шундай тадбиркорлар рўйхатидан жой олган. Сабаби шундай.

Билим юрти ўқитувчиларига мунтазам равишда бепул йўл чиптаси бериб борилади. Билим маскани ошхонасидаги овқатлар бошқа жойлардагидан 50 фоиз арзон. Муаллимлар бозордагидан анча арзон гўшт ва иссиқ нон билан таъминланади. Уларга шоли, ун, ёғ, картошка сингари озиқ-овқат маҳсулотлари бериб бориш ҳам одат тусига кириб қолган. Шу ерда яна битта гап. Билим юрти қошида «Ниҳол» номли кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилган. Кўрилган фойда асосан юқорида айтилган ижтимоий ҳимоя мақсадларига ҳамда фирма фаолиятини янада яхшилашга сарфланмоқда.

Суратларда: Ҳозиргина айтиб ўтган билим юртидаги тадбиркорликдан лавҳалар.

Суратларни Турғунбек МАҲКАМОВ олган.

O'zbekiston — Vatanim mening

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим соҳасидаги ислоҳотларни кенг миқёсда амалга оширишда ижобий ҳисса қўшаётган янги турдаги таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, улардаги таълим-тарбия ишлари мазмунини такомиллаштириш бўйича энг яхши тажрибаларни мамлакатимиз умумтаълим муассасаларида изчил жорий қилишга жиддий эътиборни қаратиб келмоқда.

Республикамиз мустақил бўлгандан кейин иқтисод, ҳуқуқ, экология, инглиз тили, тарих ва бошқа фанларни чуқур ўргатишга қаратилган янги турдаги таълим муассасалари ва уларда таълим-тарбия олаётган ўқувчи ва талабаларнинг сони шу йиллар давомида бир неча баробарга ошди. 1991 йилда мамлакатимизда 8 та лицей ва 8 та гимназия бўлган бўлса, 1997 йилда 240 та лицей ва 151 та гимназия фаолият кўрсатаяпти.

Республикамиздаги лицейларнинг иқтидорли ўқувчилари дунё болалари билан алоқа ўрнатиб, бир неча мамлакатларда, жумладан, АҚШдаги Тенисси, Коннектикут штатларидаги мактабларда бўлиб, у ердаги ўқувчиларнинг ҳаёти, ўқиши, маданияти билан танишиб қайтдилар.

Ёшларнинг чет давлатларда ўқиб, таълим олиб келишлари учун шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз Президентининг доимий эътиборида турибди. Давлат миқёсида «Камолот» ва «Умид» жамғармаларининг ташкил қилиниши ҳам худди шу кўзланган мақсадларни амалга оширишга қаратилган. Натижада ўқувчи ёшларимизга катта имкониятлар очилаяпти. Янги очилган лицей ва гимназияларда ҳам ўқувчиларнинг дунёвий илмларини чуқур эгаллашлари, уларнинг малакаларини оширишлари учун қатор қулайликлар яратилаётир.

Яқинда Тошкент шаҳридаги 306- ва 309-лицейнинг истеъдодли ўқувчилари Америка Қўшма Штатларида таълим сафарида бўлиб келишди. Қуйида Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси Шаҳзод Бобожоновнинг сафар таассуротларига бағишланган мақоласи билан танишасиз.

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Саодат АБДУЛЛАЕВА,
Халқ таълими вазирлиги УЎТББ нинг етакчи мутахассиси

Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейида ҳам чет эллардаги ўқув масканлари билан ўзаро алоқалар кенг йўлга қўйилган. Яқинда америкалик туркшунос олима Ильза хоним билим даргоҳимизга иккинчи бор ташриф буюриб, ўқувчилар билан суҳбат ўтказди. Учрашув бизда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари лицейимиз ўқувчилари 2 ҳафта мобайнида Англия сафарида бўлиб қайтишди. Улар Англияда ўзларининг инглиз тилида бўлган билимларини янада ошириб қайтдилар.

Куни кеча эса лицейимизда яна бир учрашув бўлиб ўтди. АҚШлик бир қанча меҳмонлар, ўқувчилар ва ўқитувчилар ташриф буюрдилар. Лицей талабалари уларни яхши кутиб олишди. Меҳмонларга атаб ўзбек куй-қўшиқларидан иборат концерт қўйиб беришди, кейин қизғин суҳбатлар бошланди. Ўқувчиларимиз келган меҳмонларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этдилар. Айни пайтда «Мактабларо тил ва технология воситасида боғланиш» дастурига асосан, Узбекистон — Америка Қўшма Штатлари ўқитувчи ҳамда ўқувчилари алмашиш дастуриламалга ошяпти.

1996 йилда ўтказилган тест натижаларига кўра Тошкент шаҳридаги 306-лицей директори Қутбиниса Икромова бошчилигида уч ўқувчи — Мирвоҳид Азимов, Маҳмуд Муҳаммадсаидов, Фарруҳ Ҳакимовлардан иборат делегация АҚШнинг Коннектикут штатидаги «Килингли Хай-Скул»га 3 ҳафталик муддат билан ўқишга бориб қайтишди. Мактаб ўқувчилари олган таассуротлари ҳақида бизга шундай ҳикоя қилиб беришди:

«Бизни АҚШда жуда яхши кутиб олишди. У ерда ҳар биримиз битта оилада яшадик. Ҳар куни эрталаб «Килингли Хай-Скул»га бориб дарсларга қатнашдик. Борган кунимизнинг эртасига Бостон шаҳрида бўлиб ўтган «Бостон халқаро фестивали»ни томоша қилдик. Шундай қилиб, тўрт кун мобайнида Вашингтонда бўлдик. АҚШнинг оламга машҳур жойлари — «Оқ уй», «Капитоли»да турли лицейларда, Нью-Йорк шаҳрининг ҳайвонот боғларини томоша қилдик.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, сафаримизнинг дастлабки кунлари унчалик осон кечмади, чунки чет элга бизнинг биринчи сафаримиз эди. Лекин биз дўстларимиз ёрдамида чет мамлакат ҳаётига, яшаш шароитига тез кунда кўникдик. Сафаримиз давомида Америка оилаларида яшаганимиз туфайли америкача ҳаёт турмуш тарзига ўрганиб кетдик. Натижада инглиз тилини ҳам чуқур ўзлаштириб олдик».

Утган йили 309-шарқ тиллари лицейи директори Шоира Эрназарова ва шу лицейнинг икки ўқувчиси АҚШнинг Теннесси штатидаги Нокевил шаҳрида бўлиб қайтишди. Мана энди эса шу шаҳардаги «Саус-Дойл Най Скул»дан ўқитувчи — Пэт Брайсон, 11-синф ўқувчиси Элибс Сигл, 9-синф ўқувчиси — Эмили Онеж 309-лицейга ташриф буюришди. Уларни лицей жамоаси жуда яхши кутиб олди. Меҳмонларнинг биринчи таассуротлари шундан иборат бўлдики, улар Тошкент шаҳрининг бунчалик гўзал, кўркамлигини, замонавий биноларни ҳам кўплигини ҳатто хаёлларига ҳам келтиролмаган экан.

Узбек оилаларида яшаётган америкалик дўстларимиз, бизнинг миллий урф-одатларимиз, кичикларнинг катталарга ҳурмат-эътибори, аёлларнинг эркакларни қадрлаши, ҳурмат қилиши, фарзандларнинг ўз ишларида отаоналарига ёрдамлашиши, ўзбек оилаларининг меҳмондўстлиги, меҳрибонлигини алоҳида қайд этиб ўтишди.

Эмили Онежнинг бувиси Юнис Элидж 70 ёшда бўлиб, невараси билан Узбекистонни зиёрат қилиш орзусида экан. Унинг айтишича, ўзи жуда кўп мамлакатларда бўлган, лекин шунчалик кўнгли очиқ гўзал аёлларни, ёқимтой болаларни, меҳмондўст халқни ҳеч қаерда учратмаган экан.

Пэт Брайсон: «Энг аввало мустақиликка эришган ўзбек халқини табриклайман. Эндигина беш ёшдан ошган мустақиллигингиз бундан буён ҳам ривожланаверсин. Дўстларни кузатиб, жуда лол қолаётганим — ўзбек ўқувчиларининг инглиз тилида эркин гаплаша олиши, дарсларда турли воситалардан моҳирона фойдаланишлари, ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги мени ҳайратга солди. Ўқувчилар дарс мобайнида кузатувчан эмас, қатнашувчи бўлар экан, уларнинг бутун фикри-зикри дарс билан банд экан», — деди.

Меҳмонлар қадимий Самарқандни зиёрат қилишди. Шаҳар осори-атиқалари уларда катта қизиқиш уйғотди. Регистон майдони, Гўри Амир, Шоҳи-Зинда, Улуғбек обсерваторияси каби тарихий обидалар меҳмонлар ҳайратини янада оширди.

Узбекистон ва Америка!.. Икки гўзал ва бой мамлакат, икки мафтункор сўз... Бири ўзининг ақл бовар қилмас тараққиёти, техникаси, тўкин-фаровон турмуши билан мақтанса, иккинчиси улкан ва қадимий маданияти, бетакрор ва мафтункор урф-одатлари, буюк алломалари, истеъдодли фарзандлари билан фахрланади, уларни дунёга кўз-кўз қилади.

Бас шундай экан, биз ўзбекистонлик ёшлар қаерда ўқиб-таълим олмайлик, жонажон юртимизнинг мана шундай улуғ қадриятларига содиқ ворислар бўлиб етишишга ҳаракат қилаверамиз.

Шаҳзод БОБОЖОНОВ,
Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси.

БАДИИЙ ТАФАККУР КУТУБХОНАСИ

(Боши 1-бетда).

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИДА

Юртимиз мустақиллик йўлидан шаҳдам қадамлар билан кетиб бормоқда. Бу тарихий ҳодиса биздан нафақат сиёсий, моддий, балки маънавий янгиланишни ҳам талаб этади. Мустақилликнинг навбатдаги муҳим вазифаси ҳур ва озод шахсни, ҳур ва озод тафаккурни шакллантиришдир. Бироқ бу шунчаки ўз—ўзидан содир бўладиган ҳодиса эмас. Ғарбнинг моддий юксалиш жараёни бутун дунё тафаккур маҳсулларини ўзида мужассамлаштирган маънавий уйғонишдан бошланган эди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил қилишда ташаббускор бўлиши таҳсинга лойиқдир.

Маънавиятсиз жамият вужудсиз либосдир; маънавиятсиз юксак тараққиётга интилиш қанотсиз қушнинг учаман деб талпинишидай гап. Юксак маънавиятга асосланмаган ҳар қандай тузум таназзулга маҳкумдир. Тараққиёт маънавият билан уйғунлашгандагина яратувчи кучга айланади. Маънавият маркази, Бадиий академия, Миллий энциклопедик нашриёти ва «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил қилиниши ҳукуматимизнинг юксак маънавиятга асосланган жамият қуриш йўлидан оғишмай бораётганини яққол кўрсатади. Зеро, ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи кучлар манфаати билан бир қаторда юксак маънавият устиворлик қилгандагина у фаровонликка эришади.

«Жаҳон адабиёти» журналининг бош вазифаси шу мақсадга хизмат қилишдир. Журнал адабиётимиз ва санъатимизга янги бадиий тафаккур, янги бадиий мушоҳада, янги услуб, янгича дунёқараш, янги тасвир олиб кириши шубҳасиздир. Кечаги мустамлака мафкурасидан қутулиб, қад ростлаётган, эркинликдан нафас ола бошлаган адабиётимизга янгича бадиий тафаккур жудаям зарур. Бугунги маънавиятимиздаги энг улкан вазифа, шубҳасиз, озод шахсни, озод шахс тафаккурини шакллантиришдир. Халқлар аҳоли сони билан эмас, дунёга берган шахслари билан буюкдир. Шахс—фақат ўз миллий—маънавий тафаккурини эмас, балки дунё тафаккури маҳсулини ҳам ўзлаштириб, чинакам яратувчи ижодкорга айланади.

«Жаҳон адабиёти» журнали орқали адабиётимизга кириб келадиган янги бадиий тафаккур ана шундай шахсни тарбиялашга хизмат қилади.

Шу мақсадда журнал ўз саҳифаларида дунё мамлакатларининг бадиий оламини ўзида мужассам этади. Хоҳ мумтоз, хоҳ янги авангард адабиёт бўлсин, бадиий онгда воқеага айланган асарлар журналимиздан жой олади. Адабий-бадиий жараён гоят ғаройиб ҳодисадир: тараққиёт жиҳатидан унча ривожланмаган мамлакатларда ҳам бадиий тафаккури теран асарлар яратилиши мумкин. Бунга жаҳон адабиётида мисоллар кўп. Бадиий тафаккур ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаган. У доим ўсишда, янгиланишда. Турли мамлакатларда адабиёт майдонига кириб келган янги авлод ўзи билан янги нафас, янги йўналиш, янги имкониятлар олиб келган. Адабий-бадиий жараён тафаккур каби тинимсиз янгиланишда, ўзгаришда, юксалишда бўлгани учун ҳам тараққиёт ва бани башар бирдамлигининг даракчисидир. Жаҳоннинг турли бурчакларидаги турли адабиётлар ўзларини, ифода, тасвир услубларини, инсонга муносабатларини янгилашлари орқали жамиятни янгилашга йўл очганлар. Жаҳон бадиий тафаккури барча нарсани бирданига вайрон қилувчи инқилобий асосга эмас, ҳамма нарсани тадрижий, ақл—идрокка мос ўзгартишга таянган ижодий асосга қурилган. Шу сабабли ўзбек китобхони дунёнинг қайси бурчагида яралган бўлмасин, ақлни, тафаккурни янгилайдиган, инсон ҳақидаги тасаввурларни бойитадиган биронта асардан ҳам бебаҳра қолмаслиги зарур. Мабодо бундай асарлардан ақалли биттаси ўқилмай қолган экан, инсон ҳақидаги билимимиз мукаммал бўлмайди. Ўйлаймизки, «Жаҳон адабиёти» журнали ўзбек китобхонлари хонадонига ўзига хос «Жаҳон адабиёти» ва демакким, жаҳон тафаккури кутубхонаси бўлиб кириб боради.

Журналдан турли адабий—фалсафий мактаблар, йўналишлар, оқимларга мансуб ёзувчи, файласуф, санъат намоёндаларининг сара асарлари жой олади. Бу асарлар бизнинг миллий адабиётимиз учун янги тасвир ҳамда услуб имкониятларини очади, ёш ёзувчиларимиз учун ўзига хос дорилфунун вазифасини ўтайди деб ўйлаймиз. Кеча бизни сунъий ва бир томонлама адабий метод панжаларида сақлаган, адабиётнинг бош вазифаси — инсоншуносликдан четлатиб, яланғоч мафкура қуролига айлантириб қўйган, озод шахс тафаккурини эмас, қуллик, мутелик ғояларини тарғиб қилган мустамлака даврида бундай журнални ўз она тилимизда чиқаришни орзу қилиш қуруқ хомхаёл эди. Бугун эса биз ана шундай имкониятга эгамиз. Адабиётимиз бобокалонимиз Алишер Навоий давридагидек дунё адабиёти даражасига кўтарилиш арафасида турибди. «Жаҳон адабиёти» журнали шундай шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришда фаол хизмат қилғусидир.

ТЕСТ САМАРАЛАРИ

Шу йил апрель ойидан бошлаб Республика Давлат тест марказининг Жиззах вилоят бўлими ҳамда вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ҳамкорликда фаолият кўрсатаяпти. Институтда ташкил этилган тест-ўқув бўлимининг мақсади ўқувчиларни тестга тайёрлаш ва уларни ўқув юртига ҳужжат топширишига йўлланма беришдир. Шу мақсад билан бизнинг тест-ўқув бўлимимиз Давлат тест маркази томонидан чиқарилган 1995, 1996, 1997 ўқув йилларига мўлжалланган Ахборотномалардаги саволларнинг мукаммал жавоблари бандини тайёрлаган. Бўлим фаолияти давомида вилоят умум-таълим мактабларидаги мингдан зиёд битирувчи синф ўқувчиларидан ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик тестлари олиниб натижаланди.

Вилоятнинг қатор туманларида тайёргарлик тестларидан яхши натижаларга эришган ўқувчилар бизнинг ўқув бўлимимизга жалб қилиниб, ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тайёрланмоқда. Тайёрлаш билан биргаликда ўқувчиларга тестларни ечиш ва жавоб варақаларини тўлдириш усуллари ҳам ўргатилмоқда. Айниқса институт ректорати бошчилигида тил-адабиёт, биология, математика, тарих, физика фанларидан малакали мутахассис ходимларимиз ахборотномалардаги тест саволларини ечишда аниқ ва мукаммал йўналишлар бериб келаяпти. Жамоамизнинг мақсади ўқув юртларига кирувчи ўқувчиларга тестларни ечишда назарий тушунчалар бериб бориш, самарани янада ошириш ва доимий изчиликка эришишдир.

Гулсара ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Жиззах вилояти ПХМОИ услубчиси.

ЖАДИДЛАР ТЎЙЛАР ҲАҚИДА

(Боши 1-бетда).

қурмоқчилиги баён этилган.

Фарғона жадидлари фаолияти билан танишиб борар эканмиз, улар шариат илмининг ҳам чуқур билимдони бўлганликларига амин бўламиз. Суннат номи берилиб, хилофи суннат ишлар қилинишини улар кескин танқид қиладилар. Газетанинг 117-сонидаги «Ҳамённга зарарсиз ҳатна тўйи» мақоласида қўқонлик савдо аҳлларидан Ҳожи Маҳмудхон ва Мулла Юсуфжон атторларнинг биргаликда 5-6 одамни чақириб, фарзандларини суннат қилганликлари баён этилган бўлиб, кишиларни улардан ибрат олишга чақирилади.

Ушбу ўринда диққатингизни яна бир ҳужжатга қаратмоқчи эдим. Тараққийпарварлар халқ турмуш шароитини яхшилаш йўлида имкон қадар қатъий чоралар ҳам кўрганлар. «Нажот» газетасининг 10-сонида (28 апрель 1917 йил) жадидлар «Шўрои Исломия» ташкилотининг тўй ва маъракаларни тартибга солиш тўғрисида чиқарган қарорномаси эълон қилинган. Бундан деярли 80 йил муқаддам чиқарилган бу қарор бугунги кунимиз учун ҳам бирдай акс-садо бериб турибди. Минг афсуски, ҳозирда ҳам ўтказаётган тадбирларимизда беҳудагарчиликка, исрофгарчиликларга йўл қўйиш, тўй ва томошаларга обрў-эътибор топишнинг бир воситаси сифатида қараш сақланиб қолмоқда. Шу сабабли қуйида ҳужжатнинг асл матнини келтиришни лозим деб топдик:

ШЎРОИ ИСЛОМИЯНИНГ ҚАРОРНОМАСИ

Муҳтарам мусулмонлар!

Ҳозирги қимматчилик ва озуқасизлик шул қадар қўрқунчли даражага бордики, кўп оилалар, фақир ва бечоралар пулга ҳам озуқа тополмасдан кўча ба кўча саргардон бўлуб неча кунларгача оч турмоққа мажбурият кўрурлар. Ҳозирда давом этиб турган даҳшатлик уруш, бу йилги сувсизлик ва боронсизлик, чигиртка балолари бу ҳолни минбаъд яна қўрқунчликроқ даражага олуб борадурғонга ўхшаб кўринадур. «Туркистон мусулмонлари овози» мана шул ҳолни эътиборга олуб орамизда бўлуб турган баъзи бидъат ва исрофатларни, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, қозоқлар орасидаги улоқ, пойга ва жаноза куни бўладурғон исрофатни билкуллия (ҳаммаси) барҳам бермоққа қарор берди.

«Шўрои Исломия»нинг 22-апрелда вақт умумий мажлисида Тошкентнинг қозилари ва уламолари ҳам бу ишнинг аксарини шариатга хилоф топдилар ва ўз ораларидан бир комиссияни сайлаб, тўй ва маъракаларни бундан буён қуйидаги тартибда қилунсун деб халқга эълон қилмакни шул комиссияларга топширдилар.

Биринчи: жаноза куни имом ва уламоларга йиртиш ва чопонлар улашмоқ, қариндош-уруғларга қора кийимликлардек нимарсалар бермоқ, ювгувчи ва отунларга ижро хизматларидан зиёда ҳар хил кийимлар бермоқ, отунлар келиб товуш чиқаруб ўқимоқ, садо қилмоқ, хотунларга улашиладурғон етти, гул, қовоқ оши, қор ёғди, лайлак келди, қавун-узум, йигирма, қирқ, ҳаит, фотиҳа ва йил ошидек халққа ош бериладурғон исрофлар, қозоқлар орасидаги йил оши пойгалар ва аҳли касабалар тарафидан арвоҳ пири исми бирлан бериладурғон ош ва зиёфатлар йўқ қилинди ва бу лар жаноза куни давлатлик кишилар уламо ва имомларга пул билан ҳайрат қилмоқлари ҳам юқорида мазкур маърака кунларида маҳалладан уч-тўрт кишини чақируб ҳатми қуръон қилдурмоқлари мумкиндур.

Иккинчи: қиз тўйларида совчигарчилик, фатир, кичик тўйи, қозон қайтариш, катта тўй, базм ва исрофлари ва юз кўрар ҳайитларда мол ёйиб келин кўрмоқ, қиз оши бермоқ ва никоҳ кунларида илончилар ўйнатмоқ, ёр-ёр айтмоқ, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмоқ, «тўққиз-тўққиз», сандуқларда чируб кетадурғон гул кўрфа (кўрпа) ва фок (пок) кўрпалардек фойдасиз моллар, кўчалардин сиёча кўтариб ёки ароба ва тўйларга ғалла ва бошқа хил нарсалар ортиб, тўй юбормоқ, қиз қолардаги қалин олмоқ ва шунга ўхшаш исрофат ва бидъатлар билкуллия мамнуъдир. Бунлар ўрнига келин ва куёв тарафлари кийим ва зарури уй асбоблари тўғрисинда пул ила битишсунлар, ҳам никоҳ куни куёв ўз ошоларини ва маҳалла кишилари бирлан бе карнай, фақат сурнай бирлан боруб никоҳ қилурлар ва келин тараф ўз қариндошлари бирлан келинни олуб борурлар, фақат куёв ила борадурғон кишиларнинг йигирма-қирқ кишидин ошмаслиги, келин ила борадурғон хотинларнинг ўн-йигирмадан ошмаслиги лозимдур. Чорлари ҳам бир мартабагина бўлуб, куёв ила борадурғон кишилардин келин ила борадурғон хотинлар ҳам ўн кишидан ортиқ бўлмасун. Чорларида таом фақат емак учунгина бўлуб, тугуб олиб кетмоқлар ва яна бешик тўйи, чилла, гиризонлар бутунлай йўқолиб битсунлар.

Учинчи: ўғил тўйида атрофдаги маҳаллалардан одамлар чақириб ош бермоқ, улоқ бермоқ, хотун ош бермоқ, ҳатна қилинадурғон болаларга наша ва кўча бакўча саргардон қилуб оқча йиғмоқ ва шунларга ўхшаган исрофлар билкуллия мамнуъдир. Фақат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чақируб кичикроқ бир мавлуд мажлиси ясаб ва фақир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишинигина чақириб ўғилларини ҳатна қилдирурлар.

«Шўрои Исломия» давлатлик кишилардин илтимос қиладурки, мавлуд мажлисини ҳам кўп катта қилуб юбормасдин мумкин қадар иқтисодни риоя қилсалар (тежаб сарф қилсалар), ҳам тўйга атаган пул ва ғаллаларни маҳаллаларидаги оч ва яланғоч, беуй ва бечораларга, мактаб, мадраса ва жамияти ҳайрияларга берсалар.

Ушбу тартибга мухолифат қилган кишиларнинг маърака ва тўйларини тўхтатмоқ ва айбнома (протокол) ёзуб қозиларга топшурмоқ даҳа ва шаҳар бошлуқларига ҳавола қилинади. Бундай кишиларни иттифоқи муслиминни бузганлиги ва шаръан ҳаром бўлган исроф ишни иртиқоб қилганлиги учун муҳтарам қозилар шариатга мувофиқ қаттиқ жазога мустаҳиқ қиладурлар.

Муҳтарам маҳалла имомлари ва маҳалла комитетларидан илтимос қилингандирки, ушбу эълонномани халққа тушунтириб халқни ушбу тартибдан чиқмасликка тарғиб ва ташвиқ қилсалар эди. Чунки жаноб ҳақ таоло исроф қилғувчиларни суймас».

«Шўрои Исломия»нинг раис муовуни Мунаввар Қори.

Комиссарлар:

Мулла Саид Аҳрорхон Маҳдум.
Мулла Муродхўжа Эшон.
Мулла Ҳамдамхўжа Эшон.
Мулла Абдулсамъи Қори.

Жадидлар маърифат ўчоқлари ҳисобланмиш масжид, мадраса, мактаблар таъмири ҳам улкан савоблар қаторида эканлигини таъкидлайдилар: **«Мана ҳозирги замонда масжид ва мадрасалар каби ибодатхоналаримиз мактаб каби илм ва маърифатхоналаримиз хароба ҳолда, бунларни таъмири биноси ва ислоҳи учун сарф қиладурғон зотлар йўқ ҳисобинда... тўй ишларига ўн, йигирма, ўттиз мингларини қизғанмай сарф қилганликлари савоб бўлса, мактаб-мадраса, қироатхона ва шифохона кабиларга сарф қилинса, онинг савоби шундоқ ҳатна тўйининг савобига баробар бўлмасму?»** («Садои Фарғона» 1914 йил 11-сон).

Бизнингча, асримиз бошида айтилган бу фикрлар бугунги кунимизга ҳам бирдай тааллуқлидек туюлади. Бугун ҳам жуда кўп мактаб, боғча, шифохоналар таъмирга, жиҳозларга муҳтож, илм-маърифат масканлари ҳисобланмиш мактаб кутубхоналарида ўқувчилар учун газета ва журналлар, адабиётлар етарли эмас.

Лекин халқимиз орасидан кейинги пайтларда кўплаб ишбилармонлар, моддий имкониятлари кенг кишилар етишиб чиқмоқдалар. Аммо соҳиби саховат кишилар савоб умидида юрган бўлсалар, дастлаб ишни дабдабали тўйларидан эмас, мактаб ва шифохоналар таъмиридан, иқтисодий ночор оилаларга, ногиронларга ёрдам кўрсатишдан бошласалар, айни муддао бўлур эди.

Тоҳиржон ҚОЗОҚОВ,
ЎзФА Тарих институти аспиранти.

Oliy o'quv yurtlarida

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Ҳозирги замон ижтимоий тараққиётини мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳамкорлик турли йўллар билан амалга оширилади. Лекин унинг энг биринчи воситаси шубҳасиз тил бўлиб қолаверади. Мамлакатимизда жаҳон тилларини ўрганишга қаратилаётган эътиборнинг замирида ҳам катта эҳтиёж ётади. Шу боис чет тиллари бўйича институт, коллеж, лицейлар ташкил этиляпти. Самарқандда очилган чет тиллари институти эса бу соҳадаги муҳим қадам бўлганди. Шулардан келиб чиқиб шу институт ректори, профессор Юсуф Неъматович Абдуллаев билан мулоқотда бўлдим.

— Домла институтларингиз фаолиятида, энг аввало, нималарга эътиборни қаратгансизлар.

— Биз талабаларга инглиз, немис, француз, араб, форс, турк, корейс ва бошқа тилларни замон талабида ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз. Шу мақсадда дарс ўтиш жараёнларини хорижлик ўқитувчилар билан ҳамкорликда олиб бораяпмиз. Ҳозирда турли мамалакатлардан келган 8 нафар малакали ўқитувчилар талабаларимизга дарс ўтишяпти.

Чет элликлар билан самарали ҳамкорликни институтимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири деб биламан.

ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик, Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришарларнинг институтимизга ташрифи, айниқса, қувонарли ҳолдир.

— Амалий натижалар кўзга ташланаяптими?

— Албатта-да. Буни талабаларимизнинг турли олимпиадаларда кўрсатаётган ютуқлари кўрсатиб турибди. Бундан ташқари ёшларимиз таржимонлик билан ҳам шуғулланишяпти. Хусусан, Динара Султонова томонидан инглиз тилидан Ж. Байрон, Р. Бернс асарлари ўзбек тилига ўгирилган, шунингдек, унинг беминнат хизматлари туфайли севимли шоирларимиз О. Матжон ва А. Ориповнинг бетакрор сатрлари инглиз тилида янграмоқда.

Пошали Усмоннинг немис, Раҳимжон Қиличевнинг француз тилларидан қилган таржималари мақтовга лойиқ.

— Институтнинг равнақи йўлида қандай ишлар қилиняпти?

— Ҳозирда институтимиз талабаларига дарс бериш учун АҚШнинг Оклахома ва Калорадо штатларидан, Англиянинг Галифокс шаҳридан ўқитувчилар келишган бўлса, келажакда Япония, Италия, Олмония ва Франция каби давлатлардан ҳам мутахассисларни таклиф этиб, Самарқанд чет тилларни ўргатиш халқаро институтини ташкил қилмоқчимиз. Режалаштираётган мақсадларимиздан яна бири талаба ёшларимизнинг ўқув жараёнини аспирантларнинг илмий ишларини чет элда давом эттиришини таъминлаш. Муайян тилни ўрганиш билан шуғулланаётган ходим шу тил эгалари орасида бўлса тадқиқотнинг савиясига катта таъсир қилади.

Бундан ташқари, Германия билан ижтимоий фанлар маркази, франциялик дўстларимиз билан ҳамкорликда иқтисод мактаби очиш ниятимиз бор.

Эшмирза МАҲМУДОВ суҳбатлашди.

Xalq ta'limi fidoyilari

ЖОНИ ҚИРҚТА АЁЛ

Инглиз тилининг сеҳрли талаффузи-ю, гўзал алифбоси ёш Гулбарни тамоман ўзига сеҳрлаб қўйди. У ҳар бир дарсни орзиқиб кутадиган, инглиз тили муаллимаси Маърифат опа Абдураҳмоновани ҳатто тушларида кўриб чиқадиган бўлиб қолди. Маърифат опаниям Гулбарга меҳри тушиб қолган. Уни дарсдан сўнг уйига олиб кетади, Доноларимиз, инсон умрини оқар дарёга бежиз қиёслашмайди. Кунлар ортидан ойлар, ойлар ортидан йиллар шунчалар кўз илғамас тезлик билан ўтиб кетадики, бир кун кўзгуга боққанингизда сочингизда оқ толалару, юзингизда қатор-қатор ажинларни кўриб беихтиёр ўйга толасиз. Иқтар-истамас қариликка тан бера бошлайсиз...

Гулбар опанинг энг сенималарнидир ўргатади, ўқитади, ёздиради, қўшимча топшириқлар беради...

Гулбар 1965 йилда Қарши тумани Бешкент қўрғонидаги ҳозирги Беҳбудий номли ўрта мактабни битирдию, ҳеч иккиланмасдан устози Маърифат опадек инглиз тили фани муаллимаси бўлишни орзу қилиб, Қарши давлат педагогика институтининг шу тил бўйича муаллимлар тайёрлаш бўлимига ҳужжатларини топширди. Гулбар Қурбоновага омад кулиб боқди. У барча имтиҳонларни «аъло» ва «яхши» баҳоларга топшириб, талабалик бахтига муяссар бўлди.

Гулбар қунт ва сабот билан ўқиди. У 1970 йилда олий ўқув юртини муваффақиятли тугатиб, қадрдон мактабига инглиз тили муаллимаси бўлиб келди. Ёш мутахассис зўр қизиқиш билан астойдил ишлади. У ҳам ўзи учун, ҳам ҳаётидан кўз юмган меҳрибон ва қадрли устози Маърифат опа Абдураҳмонованинг хотираси учун меҳнат қилди.

«...Лицейни битирган шогирдлари институтларга ҳужжат топтирсалару, инглиз тилидан паст балл тўплаб, олий ўқув юртига кириша олишмаса, нима деган гап бўлади...» Ана шу ўй-хаёллар Гулбар опага сира тинчлик бермайди, у кеча-кундуз ўқувчилари ёнидан жила олмайди...

Дарҳақиқат, ишлар кўп. Инглиз тили хонасини завимли одатларидан бири босиб ўтилган ҳаёт сўқмоқларини кўз олдига келтириб, ширин хаёл суришдир... Болаларга хориж тилини ўргатишга бахш этилган ҳам тотли, ҳам сермашаққат 26 йиллик умр тарихга айланди... Тан олиш жоизки, ҳаёт қишлоқнинг инглиз тили муаллимаси Гулбар Қурбоновадан ўз саховатини дариғ тутмади, унга вафодор ёру, қўша-қўша фарзандлар ато этди. У қанча-қанчалаб эл таниган шогирдлар етиштириб чиқарди. Шогирдлари орасида ўндан ошиқ инглиз тили муаллимлари борлиги билан Гулбар опа фахрланса арзийди. Мана қатор йиллардирки, у Қарши тумани инглиз тили муаллимларининг шўъба раҳбари, қанчалаб фахрий ёрлиқлар эгаси, «Қашқадарё халқ таълими фидойиси» нишони соҳибаси, олий тоифали муаллим...

Гулбар опа кейинги икки йил давомида Бешкент қўрғонида ташкил этилган тиллар чуқур ўрганилаётган махсус лицей-интернат мактабда ёшларга инглиз тилидан сабоқ бераётир. мон талаблари асосида жиҳозлаб бориш, ҳар бир дарсни техника воситалари ва кўргазмалар асосида уюштириш, ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда мунтазам шуғулланиб бориш... Лицейда маънавият ва маърифат кенгашининг раисаси сифатида бу борадаги ишларни жонлантиради. Маҳалла хотин-қизлари орасида кайвони. Уй бекалигию, Ҳасан-Ҳусанлардан тортиб 6 нафар фарзандга оналик ва икки нафар келинга қайноналик, севимли жажжи набираларга момолик қилиш вазифалари... Ҳа, буларнинг барчаси Гулбар опанинг зиммасига муҳрлаб қўйилган вазифалардир.

Йўқ, йўқ. Гулбар опа ўз ҳаётидан сира нолимайди, меҳнатдан чарчамайди ҳам. Унинг ором билмас қалбида туғён уриб турган касбига, оиласига, она-Ватанига нисбатан бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ҳисси ҳар сонияда унга куч-қувват бахш этиб туради.

А. ОБИДДИНОВ.

Ko'ngil bitiklari

НИГОҲГА ЧИЗГИЛАР

(...нинг сувратига.)

Сенинг нигоҳингга айланди дунё —
Қалбим чўғ симирган лаҳзалар айтсин.
Кўзларингдан баҳор сипқардимми ё?
Бағримда ниш урган майсалар айтсин.

Сенинг нигоҳингдан нурланди дунё —
Абадий музлик ҳам ёнди ловуллаб.
Оташдан ҳансираб силкинди маъво,
Тўкилди самодан пойингга гуллар.

Сенинг нигоҳингга жойланди дунё —
Эзгулик хўплади шайтон макри ҳам.
Гулларин опичлаб, бол ичди саҳро,
Шарбатга айланди илон заҳри ҳам.

Ича бер, қора кўз, дунё қувончин,
Мен сенда қорачиқ бўлгим келади.
Киприкларинг тўйиб кўксимга санчиб,
Ҳар тун минг бор яйраб, ўлгим келади.
Сенинг нигоҳингда товланди дунё...

ИШҚ

Ўртадинг бағрим сингилжон, солди не савдога ишқ
Бир замон Ҳижрон билан келмиш ахир дунёга ишқ,

Йўқса айт, ким ҳам тилабдир сенга Лайло қисматин,
Кетса ҳижрон қасдидан Мажнун бўлиб саҳрога ишқ.

Сен эмас Зуҳрога ул сандиқда, Тоҳир ноласи
Ранж чекиб тақдир — азалдан йиғлагай дарёда ишқ.

Сен-ку оташлар симирдинг севгининг офтобидан,
Оз эмас қизларки қўймишлар фақат тиллога ишқ.

Мен тилак қилдим сингилжон, бир ижобат бўлса-ю
Бахтдан олтин тахт яратса, сен Малак сиймога ишқ.

Ноумид бўлмас Нисорий ҳам бу олам покланиб,
Бори мўминлар қўюрлар бир замон Оллога ишқ.

Абдулла НИСОРИЙ.

Xullas...

ИЗЗАТГА ЯРАША ҲИММАТ

Америкалик фермер Макклелланд ўзининг икки юз эллик бош сигирини ғаройиб усуллар билан боқмоқда. Фермер ўз жониворларига турли-туман витаминли емиш топиб беришдан ташқари... сигирлар ётиб ухлаш учун махсус юмшоқ резинадан тайёрланган тўшаклар тўшаб қўймоқда! Сигирлар ҳам иззатга яраша ҳиммат кўрсатаётир. Ҳозирча Калифорния штатида уларга етказиб сут берадиган сигирлар топилмаса керак, ҳойнаҳой.

БОРМИСИЗ, ЎҚИТУВЧИЛАР?

Бу ибора кейинги пайтда Тамбов вилоятида чиқадиган газеталарнинг шиорига айланди, десак муболаға бўлмас. Чунки, мана, бир йилдирки, бу ерда Қозоғистонда ишлаб, тирикчилик қилиб келиш учун кўнгилли ўқитувчилар «лашкари» йиғилади. Айтишларича, Қозоғистонда муаллимлик учун яхшигина ҳақ тўлармиш, устига-устак уй масаласини дарров ҳал этишармиш... (Ишқилиб, бу хабарни бизнинг баъзи ўқитувчилар эшитишмасин-да).

«КОКА-КОЛА» БАЙРАМИДА

«Маърифат» таҳририятининг ходимларидан бири гуррос одамларнинг устидан чиқиб қолди. Бундоғ суриштириб кўрса, «Кока-кола» байрами шарофати билан бепул кока-кола ичимлиги тарқатилаётган экан. Журналист дўстимиз текин ичимлик илинжида секин одамлар орасига бош суқиб кўрди. Тўпланганларга кока-кола қуйиб узатиб турган йигитча негадир шунча одам қолиб, унга қандайдир ҳайрихоҳларча савол назари билан қаради. Зийрак дўстимиз пайтдан фойдаланиб, «бизга ҳам бир стакан қуйивор» ишорасини қилди ва... юзлаб чўзилган қўллар оша текин ичимликка эгалик қилди. Худо назар қилган ходим бундай кутилмаган муваффақиятнинг сирини кейин билди. Кока-кола байрамида хизмат қилаётган йигитларнинг ҳаммаси қизил кўйлак, қизил кепка кийишган экан. Иттифоқо, журналист дўстимиз ҳам ўша куни қизил кўйлакда бўлиб, ўша текин ичимлик тарқатаётган йигитча уни ўзининг ҳамкасби, деб ўйлаган экан...

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ЖОН ОМОН БЎЛСА, МАШИНА ТОПИЛАДИ

Нигерия терма командасининг қаторасига икки ўйинчиси автомобиль ҳалокатига йўлиқди. Фалокат яна пойтахтда содир бўлди. Ҳар тугул бу сафар, машҳур тўпурар Муҳаммад Толиб қаттиқ шикастланмади. Фақатгина у бошқараётган автомашина зарар кўрди. Жон омон бўлса бас, машина топилади.

«ОЛТИН ТЎП» РОБЕРТО БАДЖОДА

Италия чемпионатининг сўнгги турида «Ювентус» — «Фожа» ўйинида Роберто Баджога Оврупанинг энг кучли футболчиси сифатида «Олтин тўп» соврини топширилди. У ўйинда ҳақиқатдан ҳам ушбу соврингга муносиб эканлигини исботлади ва рақиблари дарвозасига киритилган икки тўпдан биринг муаллифи бўлди.

ТУРКМАН ҚИЗЛАР БИРИНЧИ

Яқинда Олмалиқ шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари аёллари жамоалари ўртасида халқаро «Умид-97» турнири ниҳоясига етди. Қизиқарли ўтган беллашувда туркманистонлик гандболчи қизлар қозоғистонлик дугоналарини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллади.

ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Фарғонада стол тенниси бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Биринчиликда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ёш спортчилар ўзаро куч синашдилар. Қизғин баҳслардан сўнг олтиариқлик Нилуфар Сотволдиева ҳамда тошкентлик Дмитрий Танцуралар ғолиблик шоҳсўпасига кўтарилишди.

МҲСК ЯНА ҒОЛИБ

Олий тоифадаги жамоалар ўртасида футбол бўйича 6-миллий чемпионатининг ўн бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Айниқса, турнирнинг МҲСК — «Навбаҳор» жамоалари учрашуви футбол ишқибозларида илиқ таассурот қолдирди. Учрашувда МҲСК командаси наманганликларин 4:1 ҳисобида мағлуб этишди. Тўпларни Ҳасанов (25,40), Давлетов (45), Буров (75) — Солиев (24) киритишди.

Ajoyibot dunyosi

ВОЙ ТАВБА, ШУНГА ШУНЧАМИ?!

1886 йилда Парижга, қутуришга қарши дорини топган француз олими Луи Пастер (1822-1895) ҳузурига тўрт болани Англиядан олиб келишди. Болаларни қутурган ит қопган бўлиб, шошилинч чора кўрилмаса, улар аянч аҳволда ўлиши аниқ эди.

Машҳур бактериолог гўдакларга укол қилиб, қонига шифобахш зардоб юборди ва бу билан уларни муқаррар ўлимдан сақлаб қолди.

Болаларнинг қутуриш хавфи ўтиб кетгач, улуғ олимни бутун дунё олқишлади. Фақат биргина одам — укол олган беш яшар Патрик Рейнольдогинас гап нимада эканини била олмай ҳайрон эди: «Вой тавба, мана шу чивин чаққандай оғриқни деб шунчалик узоқ йўлни босиб келдикми?» — деган эди у.

ЭНГ КАТТА СОНЛАР

Биз миллион, миллиард ва триллион сонларини жуда кўп эшитганмиз. Бу сонларни кўпчилик энг катта сонлар деб тушунади.

Лекин, гарчи маъносини тасаввур қилиб бўлмаса—да, улардан ҳам бир неча юз миллион баробар катта сонларнинг номлари маълум.

Триллиондан кейин квадрильон, квинтильон, секстильон, октильон каби сонлар ҳам мавжуд. Дедицильон — қирқ хоналик сон бўлиб, ундан кейинги сонларнинг номи йўқ. Аммо квадрильондан кейинги сонлар амалда деярли қўлланилмайди.

ЭНГ МИТТИ ЧАҚАЛОҚ

Дунёдаги энг митти бола — Карина исмли қизча. Туғилганда, туғруқхонада касаллик варақасига: «Ҳомиладорликнинг 25 ҳафтасида туғилган, вазни 450 грамм, буйи 27 сантиметр, калла суягининг айланаси 19 сантиметр, яшашга қобил эмас», деб ёзилган эди.

Шу вақтгача жаҳон тиббиёти тарихида мана шундай чала туғилган боланинг яшаб кетганлигини ҳеч ким билмайди. Польшалик врачлар ва ҳамширалар чала болани парвариш қилиб, росмана чақалоқ ҳолатига келтириш учун бутун меҳнат ва билимларини аямадилар.

Уни махсус шароитдаги алоҳида хонада сақлашди ва аёл сути билан боқишди. Беш кундан кейин ҳар хил витаминлар бера бошлашди. Карина 4 ярим ойлик бўлганда вазни 3800 грамм, бўйи эса 52 сантиметрга етди.

«МАЙМУН БОЛА»

Бу воқеа бундан эллик йил бурун содир бўлган эди. Жанубий Африкада инглиз отлиқ полициясининг маймунлар галасига дуч келиб, уларни овлай бошлашган. Полициячилар маймунлар орасида секинроқ қочаётганини қўлга туширишди. Не кўз билан кўришсинки, маймунлар кетидан тўрт оёқлаб қочган маймун бўлмай, 12-14 ёшлар чамасидаги бир ҳабаш бола экан.

Бола сўзлашни мутлақо билмаган. Фақат маймунлар сингари имо-ишоралар қилган.

Улар ҳабаш болани касалхонага ётқизишган. Бола тез кунда касалхонада соғайгач, уни бир деҳқонга топширишган. «Маймун бола» деб ном олган бу бола улғайиб вояга етгач, инглиз тилини ўрганган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.



Пойтахтимиздаги 298-мактабда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, ўқувчиларни спортга ошно этиш келгусида соғлом авлод тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Тоҳиржон Солиҳов узоқ йиллардан буён ўқувчи ёшларга енгил атлетиканинг нозик сирларини қунт ва сабот билан ўргатиб келаётир.

Суратда: машғулотдан лавҳа.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Afsus...

ДОҒ

Наманган вилоятининг Косонсой туманида «Косонсой-Тўрақўрғон» йўлининг 8-километрида 30-35 ёшлардаги эркак кишининг жасади топилади. Дастлабки суриштирувлардан сўнг, унинг Б. Машраб номли 30-лицей мактаби ўқитувчиси, 1964 йил туғилган Г. А. эканлиги маълум бўлади. Шундан сўнг марҳумнинг қотилини топиш ишлари зудлик билан олиб борилади ва не таажжубки, унинг қотили ўзининг ҳамкасбларидан бири Қ. С. бўлиб чиқади.

Ўқувчиларга «уришма, сўкишма, жанжал қилманглар» дея ҳар куни насиҳат қилувчи бу ўқитувчиларнинг қилмишидан унинг ўқувчилари «муаллимларимизнинг айтганини қиламизу лекин қилганини қилмаймиз» деб хулоса чиқаришса яхши иш бўларди. Лекин прокуратурада тергов бераётган тарбиячи йигит жаҳл устида қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб, ҳар икки гапнинг бирида яхши иш бўлмади-да, деб ўтирибди.

Ростдан ҳам устоз деган номга доғ туширган бу «устоз»ларнинг иши яхши бўлмапти.

ҚОЧОҚ «ОШИҚ»

Даштобод шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари яқинда бир жисмоний тарбия ўқитувчисини Россиянинг узоқ ўлкаларидан тутиб келиб қора курсига ўтқаздилар. Сабабини шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори М. Раҳимов қуйидагича шарҳлади:

— Бу йигит бундан икки йил бурун ўз ўқувчиларидан бири билан ошиқ-маъшуқ бўлиб қолган. Лекин ваъдага вафо қилмай, номуси поймол қилинган қизни ташлаб қочиб кетган.

Номардга жазо эса... Қонун посбонларига ҳавола.

Ш. РЎЗИЕВ, милиция катта лейтенанти.

ЭЪЛОН

Олий маълумотли кишилар учун пул топиш имконияти.

Телефон: (3712) 53-02-24 (9.00дан 18.00 гача).

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0451. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6